

## КОКПАТАС ЕР ОСТИ СУВИ КОНИНИНГ ГЕОЛОГИК- ГИДРОГЕОЛОГИК ШАРОИТИ


*Собирова Д. Н - Геология фанлари университети 4-босқич талабаси*

*Рўзиев А. Ш- Геология фанлари университети 4-босқич талабаси*

**Аннотация.** Уибу мақолада худуднинг геологик ва гидрогеологик шароитлари ўрганилган. Бундан ташқари Кокпатас ер ости сув кони худудидаги булоқларнинг химик таркиби Курлов формуласи бўйича тузилди ҳамда минерилезацияси ва сув сарфи келтирилди. Сувли қатламининг ётиши шароитлари ва циркуляция характеристига кўра ҳудуднинг ер ости сувлари турларга ажратилди.

**Калим сўзлар.** Олтин кони, регион, континентал иқлим, атмосфера ёғинлари, сувли горизонт, Курлов форуласи, химик таркиби, сув сарфи.

Истиқболли Кокпатас олтин кони Марказий Қизилқум регионида, Бўкантов тизмасининг жанубий-шарқий қисмида ва Жетимтау тоғининг гарбий томонида жойлашган (1-расм). Тадқиқот ҳудуди маъмурий жиҳатдан Навоий вилоятининг Учқудук туманига мансуб бўлиб, Кокпатас посёлкасининг шимолий томонида жойлашган.



*1-расм. Худуднинг шархий харитаси.*

Кокпатос маъдан майдони  $80 \text{ км}^2$  майдонни эгаллагани ҳолда умумий номи Бўкантов бўлган ва палеозой ётқизиқларидан иборат тоғлар системасининг Марказий қисмида жойлашгандир. Бўкантов тоғлари тизими Кокпатос, Олтинтов, Жетимтов ва яна хусусан Бўкантов тоғларидан таркиб топган. Ушбу геоструктуралар Марказий Қизилқум провинциясининг шимолий қисмида умумий майдони  $2.5 \text{ минг км}^2$  майдонни эгалланган ҳолда субкенглик йўналишидаги тоғлар зonasини ташкил этади.

Тадқиқот худудида чўлларга ҳос, кескин континентал иқлим ҳукм суради. Ёзда қуруқ ва иссиқ иқлим, қишда эса унча узоқ давом этмайдиган совуқ иқлим кузатилади. Ёз ойларида ҳарорат  $+45^\circ$  гача, қишда эса  $(-30)^\circ$  гача етади.

Атмосфера ёғинларининг йиллик ўртacha ёғин микдори кейинги йилларда  $122\text{-}135 \text{ мм}$  лар атрофида бўлмоқда. Ёз мавсуми одатда қуруқ келади, ёғингарчилик кам бўлади. Тез-тез кучли шамол эсиб турди, баъзан шамол кучли бўронга айланади ва қум, чанг зарраларини катта масофага кўчиради. Тезлиги  $20 \text{ м/с}$  ва ундан ҳам юқори бўлган шамол пайтида махаллий алоқа йўллари (тупроқ йўллар, сўқмоқлар) қум билан ёпилиб қолади, шунда уларнинг иш фаолиятини ушлаб туриш учун доимо тозалаб туриш лозим бўлади. Қиши кунлари баъзан ёқсан қор  $30\text{-}40 \text{ см}$  гача қалинликда бўлади. Аёзда ер юзаси  $30\text{-}40 \text{ см}$  гача музлайди.

Тадқиқот худудида доимо оқар сув ва ер юзаси булоқлари мавжуд эмас. Худуд рельефининг суст табақаланганлиги ва бўшоқ жинсларининг кенг ривожланганлиги ҳамда тўртламчи ётқизиқларнинг яхши сув ўтказиш қобилиятига эга эканлиги ер ости сувлари шаклланишидаги асосий омиллардир.

Худуднинг тоғли қисмларида ер ости сувлари шаклланиши асосан атмосфера ёғинлари микдорига боғлиқ. Тоғ олди ва текислик қисмида эса

атмосфера ёғинлари билан бирга тоғ томондан оқиб келувчи ер ости сувлари оқими хам ахамият касб этади.

Сувли қатламнинг ётиш шароити ва циркуляция характерига кўра қуидагича ер ости сувлари турлари фарқланади:

I. Палеозой метаморфик қатламларида дарзликлар сувлари.

II. Бўр системаси ётқизиқларида қатламлараро дарзлик-ғоваклик сувлари.

В.М.Фомин (1961) маълумотларида дарзлик сувлари билан таъминланувчи булоқ ва қудукларни сарфи 0,1 л/с дан 0,01 л/с гача ўзгаришлиги айтилади. Водийни маркази ва чекка қисмида қудукни ёки булоқни сарфи турлича бўлиши мумкин. С.А.Кушнаря (1940) ни маълумотлари бўйича Аякаши қудуклари тахлил этилганида, водийни ён бағрда жойлашган биринчи қудук 1000 та қўйни таъминлаган бўлса, марказий қисмдаги иккинчи қудук эса 500 та қўйни суғорганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу ҳолат бошқа булоқларда ҳам кузатилган. Қудуклардаги сувли горизонтни ётиш чуқурлиги 1,5 дан 6,0 м ташкил этади.

Кўлкудук (22) ва ирлир (24) булоқлари Тубаберган ва Боздонтау тоғ тизмалари даймондиган бўлиб, сув ушловчи тоғ жинс – девон оҳактош ҳисобланади. Сув тоза, тиник, хидсиз, чучук, ёқимли таъмли. Қуруқлик қолдиғи 0,9 г/л. В.М.Фомин (1951) маълумотлари бўйича Кўлкудук булоғини сарфи 0,6 дан 0,9 л/сек эканлиги айтилади. Булоқда ҳар доим сув чиқиб туради.

Ирлир (24) булоқлари 6 та бўлиб, сув сарфини йигиндиси 4,25 л/сек ни ташкил этади. Сув чучук, тоза, хидсиз, таъми ёқимли, қуруқлик қолдиғи 0,520 г/л. Химик таркиби Курлов формуласи бўйича қуидагича:




Булоқ ҳар доим ҳаракатда.

Кўлкудук ва Ирлир булоғи битта паралел чизиқда ва Букантауни жанубий ён бағридан ўтган тектоник ёриқда жойлашган.

Кўлдудук ва Ирлир булоқларини заҳирасини тўлдирувчи манба, барча эҳтимоллик бўйича фақатгина атмосфера ёғинларида инфильтрациядан, ташқари чуқурликдаги сув оқими ҳам бўлиши мумкин.

Эффузив-чўкинди қатлами Буқантау тоғ массивини гарбий тугалланишида ва девон оҳактошининг шимолий чегарасида бўйлаб чўзилган. Унда Карабулак (1,2,3) ва Кангашар (4) қудуқлар гурӯҳи жойлашган. Ҳаммаси разломлар зонасида жойлашган. Сув тузли (шўр) ва фақат молларни суғориш учун ишлатишга хизмат қиласи. Куруқлик қолдиги 1,5 дан 2,7 г/л ни ташкил этади. Чуқурлик ётиши 1,7 дан 4,5 м, қатлам қалинлиги 0,5-0,7 м. Химик таркиби Курлов формуласи бўйича қўйидагича:



Буқантау интрузияларида битта гурӯх булоқлари (Жарликап, 7) жойлашган. Булоқни суви нисбатан сифатли бўлиб, гидро-карбонатли-натрийли ҳисобланади. Куруқлик қолдиги 0,76 дан 0,48 г/л гача ни ташкил этади. Сувни сарфи 800 л/сум. (0,009 л/сек).

Алтинтау гранитли массивида 5 қудуқлар (Сарапан-38, Дербез-36, Минбой-34, 33, Жиланди-41, Мечет-40) ва 2 булоқлар гурӯҳи (Айтим-37, Ходжахмат-35) жойлашган. Қудуқлардаги сувни сарфи 0,1 дан 0,01 л/сек гачани ташкил этади. Сув мавжуд бўлган қатламни қалинлиги 0,3 – 1,6 м дан иборат. Айтим булоғида сувни сарфи 1,2 л/сек га этади. Бу булоқ бутун Айтим аулини сув билан таъминлайди.

Булоқни суви тоза, тиник, хидсиз, чучук ёки қучсиз шўрроқ. Куруқлик қолдигини миқдори 0,6 дан 2,7 г/л гача ни ташкил этади. Н.Е.Граждана таснифи бўйича Жиланди, Дербез, Ходжахмат ва Айтим сув пунктларидағи сув ичишга яроқли бўлиб, минерализацияси бўйича сульфат-натрийли ҳисобланади. Курлов форуласи бўйича химик таркиби қўйидагича:



Гранит дарзликларида ер ости сувини айланиши айланиши натижасида Кокпотас сув пункти ҳам очилди. Сувни ётиш чукурлиги 2,7 м, қатламни қалинлиги 1,4 м дан иборат.

Қуруқлик қолдиги 3,8 г/л, сув аччиқ-шўр бўлиб, фақатгина молларни суғориш учун яроқли ҳисобланади.

### **Хулоса.**

Олиб борилган гидрогеологик синов ишлари натижасида қуйидаги хулосаларини қилиш мумкин:

- коннинг шимолий, ғарбий ва шарқий қисмларида ер ости сувларининг минерализацияси нисбатан кам миқдорни ташкил этганлиги (3-5 г/л) ва жанубий қисмларидаги карьерларда ер ости сувларининг минерализациясини ошиб бораётганлигини (5-10 г/л) ва ер ости сув сатҳини шимолдан жанубга қараб пасайишиб боришини ҳисобга олиш натижасида, кон бўйича ер ости сувларини озиқланиш манбаи шимол томондан Букантау тоғи бўлиши мумкинлиги бўйича фикрга келинди;

- кон бўйича ер ости сувларини асосий озиқланиш манбаи Қорашоҳ свитасига мансуб бўлган дарзланган қумтош-сланцлар ҳисобига ер остига сингиб бораётган атмосфера ёғинлари деб ҳисоблаш мумкин.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Абдуазимова З.М., Пяновская И.А., Пятков К.К., Пак Р.С. О непрерывности разреза докембрия и кембрия и возрасте тайманской свиты в Тамдытау. «Узб. геол. журн.» №1, 1973.
2. Пятков К.К., Бухарин А.К., Тектоническое строение территории Кзылкумов. Тр. главгеол. Уз ССР, сб.2, госгеолтехиздат, М., 1982.
3. Рахматуллаев Х.Р. Низкотемпературные постмагматические формации Центральных Кзылкумов (горы Букантау, Кокпатас и др.) и их рудоносность. Автореф. канд. дисс., Ташкент 1961.
4. Рахматуллаев Х.Р. О некоторых особенностях локализации золоторудной минерализации Кокпатас. «Узб. геол. журн.», 1964, №1.